

РЎЗНОМА
1930 ЙИЛ
12 МАЙДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН



ЎЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТИ ИИВ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

№ 143 (2407)

1991 ЙИЛ

28 НОЯБРЬ

ПАЙШАНБА

БАҲОСИ 10 ТИЙИН.

МУНОСАБАТ

ЖАМИЯТ ҒАМҲЎРЛИК ҚИЛМОҒИ ЛОЗИМ

Яқинда тасодифан қўлимга «Постда» рўзномаси тушиб қолди. Диққат билан ўқиб чиқдим. Жуда қизиқарли мақола-лар босилар экан. Ушандан буён бу рўзноманинг ихлос-мандиман (келаси йилга обуна ҳам бўлдим).

Мени қизиқтирган мавзу жиноятчиликка қарши кураш чоралари, бу ҳақдаги мулоҳазалардир. Бу борада менга кўпдан буён тинчлик бермай келаётган ўй ва таклифларим борки, шуларни «Постда» рўзномасининг ихлосмандлари билан баҳам кўрмоқчиман.

Жумҳуриятимиз мустақиллиги эълон қилинганига ҳам икки ойдан ошди. Мустақил давлатнинг жиноятчилик билан курашувчи ўз мустақил қонунлари бўлмоғи лозим. Бунақа қонунни қабул қилишдан бурун эса лойиҳасини тайёрлаб, халқ муҳокамасига ташламоқ зарур. Токи, халқ ўзи учун ўзи қонун чиқарсин. Албатта, жумҳуриятимизда ма-лакали ҳуқуқшунослар бор. Лекин улар халқнинг фикрини тўлиқ ифода этишолмайди-ку. Ҳар қандай катта ишни амалга оширишдан бурун халқ билан маслаҳатлашиб турилса, фойдадан холи бўлмайди.

Ҳозирда халқимиз қонунлардан умуман беҳабар десак ҳам бўлаверади. Чунки раҳбарият шу вақтгача халқнинг номидан гапириб келди, иш тутди. Бунинг натижасини эса кўриб турибсиз.

Жиноят содир этилди. У ерга биринчи бўлиб милиция ходимлари етиб боришади. Елиб-югуришади. Жиноятчининг изига тушишади. Ва ниҳоят туги-

шади. Бунга қанча меҳнат сарф бўлишини, албатта, ҳамма ҳам билавермайди. Хўш, кейинчи? Кейин прокуратура ва суд жиноятчини ёш экан, касал экан, деган турли хил арзимас сабаблар билан қўйиб юборади. Ёки кам муддатга жазолайди. Бу ерда прокуратура ва судни ҳам айблаб бўлмайди. Гап қонунларимизнинг бўшлиғида, раҳмдиллигида. Бечора милиция ходимлари эса югуриб-югуриб қолишаверади.

Албатта, жиноятчининг қаттиқроқ жазоланиши, узоқроқ муддатга қамалиши милиционер учун ошу нон бермайди, лекин бунинг маънавий томонлари ҳам бор-ку! Айбдор етарлича жазоланмаган ҳар қандай жиноят урчиб кетиши табиий. Бундай шароитда эса қонун ҳимоячиларининг обрўси пасайгандан пасайиб бораверади.

Бугунги кундаги асосий ишимиздан бири ҳар қандай йўл билан милициянинг обрўсини кўтариш бўлиши керак. Ички ишлар ходимлари тўғрисида бутун жамият ғамхўрлик қилмоғи лозим.

Шундай бир вақт келдики, ҳозирги кунда амалда бўлган ҳамма, қайтараман, ҳамма қонунларни бирма-бир кўриб чиқишимиз, керак бўлса, референдум ўтказишимиз, бошқа давлатлар тажрибасини ўрганиб чиқиб, зарур ўринлардан фойдаланишимиз лозим. Шундай қилмасак, қонунчилик борасида ишимизнинг олдинга силжиши қийин.

Исмомил САЙДАЛИЕВ,
Фарғона шаҳри.

ШУ ҲАМ МУСТАҚИЛЛИКМИ?

Уч ойдики, борча тарбияланувчисидан тортиб то нафақахўр фахрийларимизгача — ҳаммамнинг оғзида бир гап: МУСТАҚИЛЛИК. Ҳатто 1 сентябрь ҳам мустақиллик кунини сифатида байрам қилинадиган бўлди. Бу ҳар тарафлама қувонарли. Аммо ҳозирги кунда амалга оширилаётган ишлар, агар шу нуқта-назардан келиб чиқадиган бўлсак, мантиқсизликдан ўзга нарса эмас. Фикримни исботлаш учун битта мисол келтираман, ишончим комилки, бу мисолнинг тўғрилигига ҳар бир тиниқ мулоҳазали киши иқдор бўлади.

«Постда» рўзномасининг шу йил 31 октябрь кунини жумҳуриятимиз ички ишлар вазири ўртоқ З. Алматовга милиция генерал-майори унвони берилди. Бу кўнгилдагидек иш, унвон билан, кеч бўлсада, вазириимизни яна бир бор табриклаймиз.

Мени ҳайратга солгани

шуки, ана шу унвон ССЖИ Президенти М. Горбачёв Фармонига мувофиқ берилди. Шу тўғрими? Наҳотки, ўз Президентимизнинг бунга ваколати бўлмаса?!

Мабодо ҳақиқатдан ҳам шундай бўладиган бўлса, мустақиллик деган сўзни тилга олмасак ҳам бўлаверади.

Яна бир гап. Эски ҳаммом, эски тос, деганларидек, ҳанузгача ССЖИ ИИВ ва Бош прокуратураси кўрсатмаларига амал қилиб келиняпти. Бу эса аксарият ҳолларда ишимизга тўғаноқ бўляпти. Етар энди! Жумҳурият Олий Кенгашида шунга ўхшаш ўткир масалалар кўриб чиқилиб, мустақиллик мақомига ҳамоҳанг қонунлар қабул қилиниши шарт.

Эминжон ОБИДОВ,
Риштон тумани ИИБ ходимларини ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш уюшмаси раиси милиция катта лейтенанти.



ТОШКЕНТ вилояти Коммунистик тумани ИИБ ходимлари тобора илдиэ отиб бораётган жиноятчиликка қарши фаол курашмоқдалар. Бироқ ҳаммамизга маълумки жиноятчилар ҳам анойилардан эмас. Улар тобора ниқобланиб, иш қуролларини такомиллаштириб боришаётгани, ҳатто турли ўқотар қуролларга эгаллиги сир эмас. Диққатингизга ҳавола этилаётган суратлар бунинг исботидир.

СУРАТДА: туман ИИБ ВХСС опервакили милиция катта лейтенанти Т. Пирматов ва катта терговчи милиция катта лейтенанти Т. Шоназаровлар жиноятчилардан олинган ашёвий далилларни кўздан кечирмоқдалар. Суратларни Ҳ. ШОДИЕВ олган.

ҒОЛИБЛАРНИ

ҚУТЛАЙМИЗ

Тошкент вилояти ИИБда милиция ходимларининг касб маҳорати юзасидан ўтказилган кўрик поёнига етди. Ҳакамлар кўрик иштирокчиларининг ҳар бир ҳатти-ҳаракатлари, жавобларини жиддий ўрганиб, ғолибларни сараладилар. Натижада биринчи ўринни Ға-лаба тумани ИИБ ЖҚБ оператив вакили милиция лейтенанти С. Эргашев, Бекобод тумани ИИБ ВХСС бўли-маси оператив вакили милиция лейтенанти Н. Кенжаев, Бўстонлиқ тумани ИИБ терговчиси милиция катта лейтенанти Х. Икромов, Қибрай тумани ИИБ участка вакили милиция капитани Р. Нуъмонов, Пскент тумани ИИБ ходими милиция катта лейтенанти М. Мамажонов, Чирчиқ шаҳар ИИБ ДАН ИПХ катта нозир милиция капитани Р. Исломов, кинолог, милиция катта сержанти С. Шабанов, вилоят ИИБ ҳузур-ридаги қўриқлаш бўлими катта нозир милиция капитани Ю. Горлов, Олмалиқ шаҳар ИИБ ёнгина қарши кураш қисмининг қоровул бошлиғи ички хизмат лейтенанти С. Лях, Чиноз тумани ИИБ ДАН ИПХ нозир милиция катта сержанти А. Иброҳимов, Оққўр-ғон тумани ИИБ ҳузур-ридаги қўриқлаш бўлими милиционер милиция старшинаси Ш. Маюнусовлар қўлга киритишди. Ғолибларга 1-даражали диплом ва 150 сўмлик совғалар топширилди.

Фахрий иккинчи ўринни қўлга киритган 11 нафар ходимларга II-даражали диплом ва ҳар бирига 100 сўм пул мукофоти берилди.

Худди шундай III-ўрин соҳибларининг ҳам ҳаракатлари муносиб баҳоланди. Улар III-даражали диплом ва 75 сўмдан пул мукофотларини қўлга киритдилар.

Бундан ташқари ушбу кўриқни ўтказишда фаол қатнашганлар ҳам раҳбарият томонидан ташаққурномалар олишди.

Кўрик сўнгида ушбу тадбирга эътиборсизлик, бепасандлик билан ёндашган Янгиобод, Ангрен, Чирчиқ шаҳар, Янгийўл, Бўка, Бекобод туман ИИБларининг номлари ҳам айтиб ўтилди.

М. МИРСОВУРОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИНИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕФЕРЕНДУМИНИ УТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

25 ноябрь кунини Қ. А. Аҳмедов раислигида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ва Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказувчи марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлди. Комиссияга қўшимча равишда Ўзбекистон сиёсий партиялари, касоба уюшмалари, жамоатчилиги ва ижодкор зиёлилар

нинг вакиллари кирди.

Мажлисида: Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан — Ислом Абду-ганиевич Каримов;

«Эрк» демократик партиясидан Муҳаммад Солиҳ (Са-лай Мадаминов) Ўзбекистон Республикаси Президентлиги-га номзод сифатида рўйхатга

олинди.

Президентликка номзодларнинг ишончли вакиллари ҳам рўйхатга олинди.

Мажлисида округ сайлов комиссияларининг раҳбарлари ва аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллиги тўғрисидаги референдумда овоз бериш учун бюллетень шакли ва матни тасдиқланди.

Бошқа ташкилий масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди.

САВОБИ ПИНҲОНИИДАН ГУНОҲИ ОШКОРАСИ ЯХШИ

Кейинги пайтларда тadbиркорлик ва ишбилармонлик кенг йул очиб куйилди. Турли-туман кооперативлар, кичик корхоналар, хусусий хизматлар худди ёз ёмғирдан кейин пайдо бўлган кўзиқориндек болалаб кетди. Хатто улар эндиликда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, айтилик, милиция вазифаларини ҳам ўз зиммаларига олишяпти. Масалан, ҳозирги вақтда Тошкентдаги 2-кўнчилик заводи «Детектив», «Ташигрушка» ишлаб чиқариш бирлашмасини «Арктур», «Совпластитал»дек машҳур корхона «Алекс» деб аталувчи изқуварлик бюрolari кўриқлашайтганини эшитиб қолдим. Беихтиёр шундай савол туғилади: «Бу яхшими, ё ёмонми?». Келинг, шу жумбоққа жавоб топишга ҳаракат қилиб кўрайлик.

«...10 сентябрь кунин Тошкентдаги «Хладокомбинат» ишчиси А. Эргашев жами 48 сўмлик 160 та «Морозко» музқаймоғини яширинча олиб чиқиб кетаётганида соқчилик хизмати ходимлари томонидан ушланди...».

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги «Соқчилик» бошқармаси бошлиғи милиция подполковниги Х. Убайдуллаевнинг столида жиноятчиликка доир бундай шошилинч хабарномалардан ҳар кунин бир неча ўнтаси пайдо бўлади. Шунини айтиш кифояки, жорий йилнинг саккиз ойи мобайнида республика бўйича майда ўғирлик қилган 12 мингдан зиёд киши кўлга тушди. Улардан тортиб олинган товар-моддий бойлик 166 минг сўмликдан кўпроқни ташкил этади.

Вазирликнинг бу бирлашмаси иш кўлами ва қамрови жуда кенг. У бугунги кунда халқ хўжалигининг 27 мингдан зиёд объектини кўриқлаб турибди. Банк муассасалари ва дўконлар, қурол ва заҳри қотил моддалар сақланадиган бинолар, музейлар, расмлар галереяси, заргарлик буюмлари ва зебу зийнат хазиналари... Рўйхатни узоқ давом эттириш мумкин.

«Соқчилик» бойлигини кўриқлабгина қолмайди, у сўғурта компанияси вазифасини ҳам бажаради, яъни ўз хожамларининг совуққонлиги натижасида ўғирлик содир бўлган тақдирда кўрилган зарарини тўла қоплаш мажбуриятини зиммасига олади. Унинг бошқа турдаги соқчилик хизматларидан фарқи ҳам ана шунда.

Бирлашмада бир неча ўн минг киши хизмат қилади. Туркибиди ҳарбийлашган ва кўриқловчи соқчи, тунги

милиция ва кўлга олиш гуруҳлари бор. Унинг техникавий қуролланганини айтмайсизми? Республикада турли хилдаги мингдан ортиқ маркашланган соқчилик пулти ишлаб турибди, жумладан, телесистемалар, периметрал сигнал бериш, ультратовуш, оптик-электрон ва радиотўқинли хабар етказгичлар, шунингдек маркашланган соқчилик системаси борки, бундай техник воситалар ёрдамида давлатга қарашли объектлар ҳам, фуқароларнинг хонадонлари ҳам ишончли тарзда кўриқланмоқда.

КООПЕРАТИВ ҚОРОВУЛЛИККА БОРСАКМИКАН?

Ҳозирги пайтда милициянинг ана шу хизматлари ихтиёрида 500 тадан зиёд енгил автомобиль, мингга яқин мотоцикл бор. 800 тадан ортиқ ўргатилган ит хизматни ўташ ва жиноятчиларни кўлга туширишда яқин кўмакдош.

Милицияда ана шундай катта имкониятлар бўлишига қарамай, кейинги пайтларда жумҳуриятимизнинг йирик саноат маркашларида, айниқса, Тошкент шаҳрида бу хизмат билан аввал тузилган шартномаларни бекор қилиш, объектларни кўриқлашни турли хил изқуварлик бюрolari ва кооперативлар ихтиёрига топшириш ҳоллари кўп учрамоқда.

Шундай савол туғилади: соқчилик қилиш милициянинг кўлидан келмай қолди-ми? Масаланинг моҳиятига чуқурроқ кириб бориб, ҳақиқий аҳволини холисона таҳлил этишга уриниб кўрамиз.

Бирлашма бўлиналари ўзлари шартнома асосида соқчилик хизмати кўрсатаётган корхоналарнинг маъмуриятларига бўйсунмайдилар, улар фаолият юритаётганда фақат «Халқ хўжалиги объектларини кўриқлаш тўғрисида низом»гагина амал қиладилар. Корхоналарнинг раҳбариятлари «Ўз» соқчиларига, яъни уйдаги сирни кўчга чиқармайдиган, итоаткор пойлоқчиларга эга бўлишга интилашайтганининг боиси шу эмасмикан? Бу ерда кучли мантиқ бор, албатта. Ахир, ўзингиз ўйлаб кўринг, корхоналарнинг раҳбарлари милицияга нисбатан ҳаваскор соқчиларга бир неча баробар кўп ҳақ тўлашяпти-ку.

Бунинг устига ўғрилик, ташмачиликка доир далиллар директор хонасидан бир қадам ҳам нарига ўтмайпти, улардан район милиция бўлимидагилар бутунлай беҳабар қолишмоқда. Энди милиция хизматидан воз кечиб, изқувар бюрolar ва кооператив соқчиларга тўланаётган пуллари бир санаб чиқайликчи. Орадаги фарқ 5, ҳатто 10 баробар ортиқ. Энг муҳими ҳар бир тийин қатъий ҳисоб-китобда бўлган ҳозирги шароитда шунча пулни саҳийлик билан ажратишайтгани, кўзлари қийиб, бемалол тўлаша-

миллионлаб сўмларни тўлашайтганда чивин чаққанча қилт этишмайди-я. Энди шундай бир мулоҳаза: милиция соқчилик хизматининг ўзи моддий жиҳатдан кўллаб-қувватлаб турилса, бўлмайди-ми? Айтилик ўғрилик ёки ташмачилик аниқланган тақдирда корхонага қайтарилган бойлигининг муайян фоизи миқдорда қоровул ёки соқчига мукофот тайинланса ёнки уларнинг иш ҳақи 5-10 фоиз эмас, лоқал икки ҳисса оширилса... Ушанда завод ёки фабрика дарвозасида қандайдир «бува» ёки «буви»лар эмас, балки махсус воситаю қурол-анжомлар билан таъминланган, техникани ишлата биладиган шоввоз ёшлар пайдо бўлишармиди...

Ўтган йил якунланаётганида халқ хўжалиги иншоотларини кўриқлайдиган соқчиларга тўланадиган тариф қайта кўриб чиқилганди. Ушанда ҳарбийлашган соқчиликка соатига 65 тийин, қоровулларга эса 44 тийин кўшиб беришга қарор қилинган. Кўпгина хўжалик раҳбарларига бу катта пул бўлиб кўринган, аксарият жойларда милиция хизматидан воз кечилган эди. Аммо 2-3 ой ўтмасдан яна шартномалар тузишни лозим кўришди. Масалан, «Олмос» республика улгуржи-чакана савдо бирлашмаси, таъмирқурилиш бошқармаси, «Автострой» ва бошқалар.

Назаримизда, ҳозирги пайтда кооператив соқчиликни маъқул кўришайтгани янги урфга берилишдан бошқа нарса эмас.

Фавқулодда ҳодиса содир бўлган жойга бир зумда етиб борадиган милициянинг кўлга олиш гуруҳи ёки муайян объектда вахтада турган соқчиларнинг кўлларига қурол бор, улар хавфли жиноятчилар билан тўқнашишга ҳам маънавий, ҳам jisмоний жиҳатдан тайёр. Шундай экан, жиноятчиликка қарши курашиш ҳаваскорларнинг иши эмаслигини тушуниб етмоқ лозим. Аммо афсуслар бўлсинки, кооператив соқчилик ҳамон кўпайгандан-кўпайиб бораёпти, унга корхоналар ҳисобидан катта-катта пул тўланмоқда.

Игна билан қудуқ қазишдек машаққатли касб—журналистлик қилиб, оғир меҳнатимиз эвазига чойчақа билан бир амаллаб тиричилик ўтказгандан кўра, сердармад соҳа экан—кооператив қоровулликка борсақми-кан-а?!

И. ИСМОИЛОВ, Х. МИРҲОДИЕВ, («Халқ сўзи» рўзномасидан).

ЁШЛАР ТАРБИЯСИГА БЕФАРҚ ҚАРАМАНГ

Ёшлар тарбияси жуда нозик. Шу боис бу масалада эътиборсизликка йул қуйиб бўлмайди. Афсуски, сўнгги пайтларда айрим ота-оналарнинг, жамоатчиликнинг ёшлар тарбиясига эътиборсизлиги туфайли улар орасида жиноятчилик ўсмоқда. Энг ёмони вояга етмай туриб спиртли ичимликларга ружу қўйишяпти. Ғузур шаҳридаги Ҳамид Олимжон кўчаси 2-уйда яшовчи Дмитрий Рижов ва шаҳардаги Нефтичилар посёлкасида истиқомат қилувчи Рустам Арслоновлар ана шундай ёшлардан. Улар маст ҳолда туман ички ишлар бўлимига келтирилиб, алоҳида рўйхатга олиндилар.

Ёшлар орасида уришқоқ, жанжалкашлари ҳам йўқ эмас. Тумандаги Пушкин номи мактабининг 9-синф ўқувчиси Жасур Хўжанов мактабда мушгашган бўлса, Ҳамза номи мактаб ўқувчиси Хусан Ашуров ўз уйида жанжаллашган. Вояга етмаганлар орасида уйдан сўроқсиз чиқиб кетиш каби ҳоллари ҳам кўпайган. Пушкин номи мактабининг 5-синф ўқувчиси Акмал Тошматов Тошкент шаҳрига ота-онасидан сўроқсиз жўнаган. Ғафур Ғулом номи мактабининг 6-синф ўқувчиси Сергей Кисилёв Россияга кетган. Иккала ўқувчи ҳам милиция ходимлари томонидан ушланиб, ота-оналарига қайтарилган.

Ёшлар орасида юз бераётган жиноятлардан яна бири ўғирликдир. Айримлари ёш боши билан бировнинг чўнтагига тушишдан ҳам ҳазар қилмайдилар. Рустам Носиров 1974 йилда туғилган. Шаҳри-сабзда яшайди. Сўнгги пайтларда мунтазам равишда Ғузур шаҳрида кинесавурлик қилиб юрган. Кўза кунда эмас, кунид-синади, деганларидек, Рустам фуқаро Раҳмонқуловнинг чўнтагидан 250 сўм пулни ўғирлаб олаётганида кўлга тушди. Туман халқ суди Р. Носировнинг айбига яраша жазосини берди.

Ёшлар тарбияси мураккаб жараёндир. Уларнинг тўғри тарбия олишлари, ҳеч бўлмаганда жиноятчилик йўлига кириб кетмасликлари учун ота-она, мактаб, қолаверса, кенг жамоатчилик қайғуриши керак. Меники, сеники демасдан ҳар биримиз болага одоб ўргатишимиз, меҳнатга ҳурмат ҳиссини сингдиришимиз зарур.

Э. БЕКҚУЛОВ, Ғузур тумани ички ишлар бўлими бошлиғининг ўринбосари милиция капитани.



ХОРАЗМ вилояти ИИБ ДАНБ ходимлари йул ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш билан бирга вилоят ҳудудидан олиб чиқиб кетялаётган маҳсулотларнинг қанчалик қонуний ёки қонунсиз эканлигини ҳам синчковлик билан текшириб туришяпти. Суратда: (Ўнгдан) ДАНБ ходимлари милиция старшинаси Рустам Ғафуров ва милиция сержанти Норбой Қаландаровлар хизмат пайтида. Саъдулла БОБОЕВ олган сурат.

КАСБИНИНГ БИЛИМДОНИ

Мактабда очилган физика тўғрисида қатнашиб юрган Остон бу фанни чуқурроқ ўрганишга киришди. Қизиқни уни политехника олий билимгоҳига етаклади. Автомобиллар ва двигателларга техник хизмат кўрсатиш, ремонт қилиш куллийтини тамомлаган Остон олий билимгоҳда қўлиб ишлай бошлади. Кейин...

Мана 20 йилдан ошдики Остон ДАНБда ҳалол хизмат қилиб келмоқда. Ҳозирги кунда Кармана шаҳрида жойлашган туманлар

аро имтиҳон-қайд қилиш бўлимида синов имтиҳонларини олади. Милиция майори Остон Раҳмонқулов бутун умри, куч ва билимини ўз касби йўлида сарфлаганлардан. Ўзининг ширинсуханлиги, юдамшинавандалиги, ишига пухталиги билан жамоа ўртасида ҳурмат қозонган.

Бухоро вилоятининг кўпгина туманларида унинг шоғирдлари сидқидилдан меҳнат қилмоқдалар. Кармана шаҳридаги туманлараро имтиҳон-қайд қилиш бўлими

си бошлиғи милиция капитани Т. Султонов, имтиҳон оловчи ўқитувчи Н. Мусоев, Навоий шаҳар ИИБ ДАНБ бошлиғи Г. Абдуллаев, Навоий тумани ИИБ ДАНБ ходими И. Орипов, Қизилтепа тумани спорт-техника клуби директори Р. Муқимов, Конимех тумани спорт-техника клуби директори К. Рўзиевлар Остон аканинг жонкуяр шоғирдларидан.

Шу кунларда Остон ака ДАНБда иш қозғоларини ўзбек тилида юритиш борасида бошқаларга ибрат бўлмоқда. Бунда ўз касбининг билимдони эканлиги яна бир бор намоён бўлди.

Сачоқ ЭГАМОВ.

«Яшаш қийинлашиб бора-япти. Ҳамма нарса талон билан. Қўнгил тусаганини-ку, қўверинг, кун ўтказишга яраб турган нарсаларни ҳам топа олмайсан». Шунақа деб биров сенга дардини дастурхон қилса: «Ке, қўй, нима қиласан ваъзхонлик қилиб. Ўзим кўриб турибман-ку ҳаммасини. Бир камидан сендан эшитишим қолувдим энди», — дейишинг аниқ.


Лекин на илож. У ёқдан айлангир, бу ёқдан чўз, барибир гап турмушга бориб тақалади. Автобуста чиқсанг ҳам, таксида юрсанг ҳам, пиёда кетсанг ҳам шу гап — «яшаш қийинлашиб...». Қўлоғингга пахта тиқ, кўзингни чиппа юм, фойдасиз. Чунки ўзинг ҳам тўқ эмассан.

Мана, Юнус Жабборов, Қанни қишлоғида яшайди, агар машинасини ҳисобга олмаса, яшаш тарзи маданийча ҳаётга яқин ҳам йўламайди. Шу кундан қутулиш учун фермерлик йўлидан бормоқчи бўлибди. Аслида ҳаммасига ана шу фермерлик орзуси сабаб бўлди. Майли, бу ҳақда қўй-турайлик. Мавриди келади ҳали гапиршига.

Юнус акаси Юсуф билан ёнма-ён қўшни. У ҳам укасидек оддий ишчи. Уйдан унча олис бўлмаган фермада ишлайди. Оғани бўлишгани учунми ё бошқа сабабми, ишқилиб, уйлари ёнма-ён тушган. Яна қайта эслатиб ўтишимизнинг сабаби бор, албатта. Буни ўзингиз мақоламиз давомида билиб оласиз. Зеро, асосий нукта ҳам ана шу «ёнма-ён» сўзининг устига қўйилган.

Юнуснинг яна бир таниши бор. Тўғрироғи никоҳсиз бирга яшаб келишяпти. Исми шарифи Раъно Гадоева. Юнус Раънони жуда яхши кўради. Акаси ҳам бу аёл ҳақида ижобий фикрда. «Юнус, кел, кичкинагина тўйчиқ қилиб, шу аёл билан никоҳдан ўтиб олгин. Олти минг пулим бор. Яна озгина қўшаман, етиб қолади», — деган эди бир кун у.

Уканинг мақсади ҳам аслида шу. Агар фермерлик қилса, Раъно билан бўлаган кейинги турмуши изга тушиб кетишига ишонади. Шунинг учун ишга жиддий киришди. «Қишлоқ» давлат хўжалигидан олган 15 минг сўм биладик. етмайди. Бор-е, деб узо-



гини яқин қилиб турган машинасини 15 мингга пуллади. Ахир, яхши ният билан бошланган ишни охиригача етказиш керакда. Бир кун келиб тўқис ҳаёт унга ҳам nasib қилар. Ана ўшанда... яхши яшайди.

Хуллас, йиғилган ўттиз мингни қайта-қайта санаб, дипломатга жойлади. Кейин уни сандиққа солиб, катта-кон қулф осди.

«Агар ишимиз ўнганса, бахтли яшаймиз», — деди Юнус.

«Ўшанда мен сизнинг энг вафодор, энг садоқатли, энг меҳрибон хотинингиз бўлиб қоламан», — нозланди Раъно.

Агар Юнуснинг Раънога нисбатан заррача гумони бўлганда, унинг нозланишидаги, жилмайишидаги сохталикни илғаган бўларди. Йўқ, гумон қилиш қаёқда, аксинча унга жуда-жуда ишонарди. Ишонгани учун ҳам пулни сандиққа солишдан олдин унга кўрсатган эди.

Хўш, Раъно Гадоева аслида ким? Нима учун шу пайтгача бирга яшаб келган Юнус унга ишонмасин? Ахир, ёмонлик кўрмаган бўлса.

Афсус, Раъно Юнус ўйлаганчалик покиза аёл эмас. У... одам ўлдирган. Бегона эмас, ўз эрини. (Қизиқ, нимагадир Раъно ўша эри билан ҳам никоҳсиз яшаган). Бу жинояти учун тўрт йил озодликдан маҳрум қилинган, фақат айрим сабабларга кўра ҳукм ижроси кечиктирилган эди.

Мана энди яна бир кишининг ишончини қозонди. Қозонди-ю, тузган режасининг кичик қисмини удаллаганини билди.

Одамларнинг пешонасида бу ёмон ё бу яхши деб

ёзиб қўйилмаган. Бир дўстидан куйган одам, душманларимнинг душманлиги маълум, дўстларимдан асра, худойим, деб нола қилган экан. Ва яна, ишонганинг — сенга содиқ, ишонганинг — душман, деган ақида ҳам бор. Лекин Юнус бу ибораларни билмас эди.

Раънога қайтайлик. Унинг режаси қандай эди?

Ҳаммаси Гулжаҳон Носированинг хонадонида маълум бўлди. Бу ерда Раънодан бошқа яна уч йигит бор эди. Келинг, бира-тўла улар билан таништириб қўйайлик.

Муҳиддин Узоқов, 35 ёшда. Шаҳрисабз шаҳридаги 35-хунар-техника билим юртида ўқитувчи бўлиб ишлайди.

(Икки марта судланган кишининг қандай қилиб ўқитувчилик вазифасида ишлаётганига ҳайронсан киши). Яхшигина ўғри ва зўравон.

Зариф Носиров, 24 ёшда. Ишламайди. Икки марта судланган.

Шариф Носиров. Зарифнинг акаси. Ундан икки ёш катта. Ухшашликни қаранг, буниси ҳам икки бор қора курсига ўтирган.

Ичкарида фақат Раънонинг овози жарангларди.

«...Эримнинг 30 минг сўм пули бор, — деди у ва ғалати кулимсиради.

Бошқаларнинг ҳам юзларида истеҳзоли кулги кўриди.

— Шунинг умариш керак. Пул сандиқдаги дипломат ичиди. Сандиқ қулфланган. Бу ишни амалга ошириш керак бўлган кунни мен уйга бормаيمان. Пулни олгандан кейин, айтиб қўй, у тирик қолмаслиги керак! Ўлжани қўлга киритиш учун бундай режа тузамиз...»

Раъно қай пайтда бориш, биринчи навбатда нима иш қилиш кераклиги ва яна бошқа зарур иқир-чиқиларни ўтирганларга роса уқтирди.

Гуруҳ кучли қуролланганди. Муҳиддин ва Шарифда қирқма милтиқ, Зарифда тўппонча бор эди. Биргина ниқоб етишмасди. Уни ҳам ўша кунни ўзида тайёрлашди. Соч, мўйлов, юзларига ажин тасвирини солиб тикишди. Берилиб тикишди.

Ифлос виждоннинг ифлос ишлари. Виждон, одамийлик қанақа бўлади, ўйлаб

ҳам кўришмади. Сесканмасдан, титрамасдан бир инсоннинг ўлимига тайёрланишди.

9 октябрь. Кечки соат 11. Қанни қишлоғи томон мотоцикл елдек учиб борапти. Унда икки киши — Муҳиддин ва Раъно. Ажал элчилари қишлоққа кириб тўхтадилар. Раъно Муҳиддинга Юнуснинг уйини кўрсатгач, қандай бориш йўлларини яна бир бор эслатди. Муҳиддин бош қимирлатиб, «ҳаммасини тушундим» ишорасини берди. «Ҳаммасини тушундим»... Хайриятки, у ҳеч балони тушунмаганди... Тўғрироғи бошқача тушунганди... Орқага қайтишди.

10 октябрь. Тунги соат 4. Қишлоқ оралаб уч нафар соя гимирлаганча Юнуснинг уйига яқинлаша бошлади. Атрофга аланглай-аланглай... қўшни хонадонга кириб кетишди. Ичкарига киришдию бир муддат танг қолишди. Чунки хонада Юсуф хотини билан ҳеч нарсани сезмай ухлаб ётишарди.

«Бўлар иш бўлди», — шивирлашди соялар бир-бирига.

Кейинги воқеалар тезлик билан давом этди. Ўғрилар меровсираб қолган эр-хотинни аввалига роса тепкилашди. Бошинг-кўзинг демай тепкилашди. Кейин уйдаги тўйга аталган (хонадон соҳиблари ўша лаҳзаларда ўғрилар Раънонинг маслақдошлари эканлигини қаёқдан билишсин) 6 минг сўмни топиб олишди. Яхшигина кийим-кечакларни ҳам йиғиштиришди-да гарангсиз қолганларнинг қўлоқларини боғлаб, оғизларига латта тиқишиб кетишди.

Фақат тонг саҳардагина қишлоқдошлар воқеадан

хабар топишди. Жабрланганларни касалхонага жўнатишгач, милицияга кўнғироқ қилдилар.

Китоб тумани Қашқадарёнинг осойишта воқаларидан бири. Халқи содда, дали-ғули, чапани. Юқоридаги каби воқеалар камдан кам юз беради. Лекин ҳозирги тўс-тўполон замон шундай аҳил яшаётган одамлар орасида саросималикни пайдо қилди. Жиноятчиларнинг оғир турлари бундай чекка жойларни ҳам четлаб ўтмади.

Лекин ҳар ҳолда туман ички ишлар бўлими ходимлари ишга тез ва жиддий киришишди. Биз бунга бош қўшган милиция ходимлари билан сизларни таништиришни лозим деб билдик. Чунки содир бўлган воқеанинг тугунини топишда, уни ечишда ҳар бирининг ўз ўрни бўлди ва унинг уддасидан чиқишди.

Туман ИИБ бошлиғи ўринбосари, милиция полковниги Ҳазрат Баҳриев қишлоқ аҳли билан обдон суҳбатлашди. Катта терговчи, милиция подполковниги Дўстмурод Самадов жабрланганлар билан мулоқотда бўлди. ЖҚБ ходимлари милиция капитани Усмон Муҳаммадиев, милиция кичик лейтенанти Ашир Жўраев, участка вакили милиция лейтенанти Азамат Улуғовлар воқеа жойини майда-чуйдаларига ўзларига маълум усулда текширдилар.

Хуллас, иш аҳиллик билан бошланди. Ва тез орада тугун топилгандек бўлди. Қишлоқ аҳлидан бири жабрланувчининг укаси — Юнуснинг хотини билан никоҳсиз яшаётганлигини айтиб қолди. Ҳ. Баҳриев опергуруҳ ходимларини йиғиб, ишни айнан ана шундан бошлаш кераклигини таъкидлади.

Ва тўппа-тўғри қилинди. Бу ёғи сиз азиз ўқувчиларга маълум бўлса керак. Шундай қилиб эрта тонгда юз берган жиноят тушдан сўнг, соат учларда тўлиғича очилди.

...Юнус одамлар оқимиға қўшилди. Яхши ва ёмон одамлар оқимиға. Қай томонга юришни билмай бир пас туриб қолди...

Тошпўлат МУЗАФФАРОВ, милиция подполковниги.
Эркин САТТОРОВ, «Постда»нинг махсус мухбири.





СУРАТЛАРДА: 1. Жиноятчи Муҳиддин Узоқов (чапда) ва катта терговчи милиция подполковниги Д. Самадов. Р. Гадоева худди шу жойдан М. Узоқовга Юнуснинг уйини кўрсатган.

2. ЖҚБ опервакили милиция лейтенанти Худоёр Мансуров (чапда) ва жиноятчи З. Носиров.

3. Милиция подполковниги Ҳ. Баҳриев туман ИИБ бошлиғи, милиция майори Баҳром Амиркуловга жиноятчилардан олинган ашёвий далилларни кўрсатмоқда.

4. Жиноятчилардан олинган ашёвий далиллар.



КЎК РАНГЛИ «МОСКВИЧ» ҚИДИРИЛАДИ

Тўрақўрғон туманининг Бордимқўл қишлоғи марказида 25-ўрта мактабнинг 5-синф ўқувчиси Даврон Дадабоевни номаълум автомашина болалар, бир-икки фуқаро кўз ўнгиди босиб, ғойиб бўлди... Ҳамма болага ёрдамга югурди. У ҳалок бўлганди... Тўпланган халқ ғазабга келди... Агар улар ўша машина ҳайдовчисини билиб қолишса, тасаввур қилиб бўлмайдиган даҳшат содир бўлиши аниқ эди.

Воқеадан хабар топган туман ички ишлар бўлимининг бошлиғи ўринбосари милиция майори Алижон Мирзаев қисқа вақт ичида 30 дан ортиқ милиция ходимлари, жамоатчиларни шу жойга етиб келишини таъминлади.

Воқеа жойига етиб келган ИИБ ходимлари тўпланганларни тинчитиб, суриштирув ишларини бошлади. Ҳодисани ўз кўзи билан кўрганлар машина кўк рангли «Москвич» эканлигини, бироқ давлат рақамига эътибор бермаганликларини айтишди.

«Москвич», кўк рангли... — ўйлаб қолди йўлпатрул хизмати ходими милиция кичик сержанти Нозим Раҳмонов, — қишлоқда тўртта «Москвич» бор, кўк ранглиси кимники эди? Ҳа, сартарош бўлиб ишлайдиган Иброҳим Қаҳҳоровда ҳам бор. Ж 3568 НА. Ўша, бегороқ юрарди... Балким...

У жиноят қидирув ва ДАНБ ходимларини бошлаб келганда машина ҳовлида турарди. Мотори ҳали совмаган, олд қисмида пачоқ-

ланган жой бор. Чақирди. Уйдагилар эса:

— Ҳозир келди. Шошиб «гап»га чиқиб кетди, — дейишди.

«Гап»дан чақирилганда, унинг оғзидан ароқ ҳиди аниқиб турарди.

— Машинани ичиб бошқарибсизда? — дейишди.

— Йўқ! Мен чарчаб келиб, «гап»да икки пиёла ароқ ичдим, — деди.

«Гап»дагилардан тушунтириш олишди. Улар умуман спиртли ичимлик ичишмаганликлари, сартарош эса ароқ тугул, унга берилган маставани ҳам лабига теккизмаганини айтишди.

Уни машинага ўтқазиб, йўл-улов ҳодисаси бўлган жойдан олиб ўтишадиганда:

— Ие, нега бу ерда одамлар кўп. Бирон нарса бўлдимикан? Тўхтанг, тушайлик-чи. Мен ҳар ҳолда шу ерликман-ку! — деди хотиржамлик билан.

— Сизга тушиш мумкин эмас, — деди оператив вакил, — оломон сизни кўрса бас, тилка-тилка қилиб ташлашади.

— Нега?

— Бешинчи синфда ўқийдиган болани бостириб, ёрдам бермай қочгансиз. Кўрганлар бор. Математикадан бешга ўқиркан. Тушундиргимиз мени... Машинангиз номерларини бола...

— У ўлган-ку...

— Сиз қандай биласиз? Нега ёрдам бермай қочдингиз? Ҳозир тўпланганлар бунни билишса борми?

— Йўқ, тушмайман. Қўрқдим... айборман, — деди у бошини ҳам қилиб.

Неъматжон МАМАЖОНОВ, милиция майори.

КИМГА МАЗА, КИМГА АЗА

Маълумки, дўдилар фойдали меҳнат билан (жамият учун) кам шуғулланадилар. Бор гап бу. Шу чоқда биз уларни ҳар хил аторлик моллари, ўйинчоқлар ҳисобига бўш ишларини йиғиб, ўндан тўққизини уриб, болаларимизни алдаб юришларини билардик.

Эндиликда бизлар ҳам болаларимизнинг кўйига тушмаямизмикан? Тошкент шаҳрининг хоҳлаган бурчагида уларни турли хил буюмлар билан очиқдан-очиқ савдо қилиб ўтирган ҳолда учратиш мумкин. Уларнинг қўлларидан спиртли ичимликлардан тортиб, турли хил кийим-кечакларгача бор. Энг ажабланидиган томони шундаки, бу буюмларнинг ҳаммаси фақат давлат корхоналаридagina ишлаб чиқарилади. Бунинг устига дўконлардан бу нарсалар фақат талонгагина сотилади. Яна ўша кўпчиликни қийнаётган савол «лоп» этиб хаёлга келади: «Шундай экан, бу моллар чайқовга қайси йўл билан, қандай қилиб чиқиб кетаяпти? Ахир, ҳамма нарса қатъий ҳисоб-китоб билан олиб борилайти-ку».

Ўзим умримда чеккан эмасман. Спиртли ичимликларга ҳам ҳушим йўқ. Аммо эшикли уй, меҳмон келиб қолса, нима қиларимни билмай бошим қотади. Ҳали айтганимдек, бу нарсаларни дўконлардан топиш мушкул, нафақат мушкул, балки мумкин эмас. Ишбилармон чайқовчилар эса қайдан топишади? Бекату чорраҳаларда катта холаларининг чорбоғларида ўтиргандек, хоҳлаган нархини кўйиб пуллашлари-чи.

Отнинг ўлимини байрам қилиб, иқтисодий буҳрон чоғида чўнтак қапайтириш илинжида юрган бундай «ишбилармон»ларнинг мушугини «пишт» деб қўйдиган пайт келмадимикан?

А. КОМИЛОВ.



Беруний туманида Ражаббой ака Обдаловни кўпчилик яхши танийди. Чунки у киши умрининг 25 йилдан ошқорғини халқ осойишталиги йўлига сарфлади. Ҳозир эса нафақада. Аини чоғда эса у кишининг ўғли Нуриддин ҳам ота изидан бориюқта. Беруний тумани ИИБ ДАНБда хизмат қилмоқда.

СУРАТДА: ота-бола касбдошлар ўзаро суҳбатда. С. БОБОЕВ олган сурат.

ҲАМКАСБЛАРИМГА ҚУЛЛУҚ

билган шифокорлар экан. Етти соат болам тепасида туришди. Қилмаган муолажалари қолмади. Уғлимнинг киприкларини очилганда, кўзларим жикқа ёшга тўлди. Бу секинчадангина эмас, ҳалоскорларимдан миннатдорчилик ёшлари ҳам эди.

Беш кундан сўнг травматология бўлимига чиқдик. Ширинсухан, қўли энгил врачлар Эркин Жумаев, Муродхон Ман-

суровлар дардимизга малҳам бўлишди. Шунга амин бўлдимики, касбга муҳаббат, одамларга меҳр бисёр бўлса, малакани эгаллаш ҳеч гап эмаскан. Шунинг учун фарзандимни оёққа турғазган поплик ҳамкасбларим — моҳир шифокорларга чексиз қуллуқ қиламан.

Мухтасар РАҲИМОВА, ички ишлар вазириги тиш табиҳонаси жарроҳи.

СУЮНЧИ БЕРАМАН

Шу йилнинг 19 ноябрь куни соат 13.30 да метронинг «Пахтакор» бекати яқинидаги «Ёшлик» видеосалонига кириб, қўлимдаги ҳужжат соладиган қора сумкачамни ўша жойда унутиб қолдирибман. Қайтиб борсам, жойида йўқ экан.

Сумкачада 1985 йилда Тошкент политехника олий билимгоҳи томонидан берилган диплом, меҳнат дафтарчам, ҳарбий билетим бор

эди. Топиб олган кишини суюнчи кутаяпти.

Ўзим Жиззах вилояти, Галлаорол тумани, Гафур Ғуллом номли давлат ҳўжалигининг 2-бўлимида истиқомат қиламан. Аини чоғда эса Қўйлиқ бозорининг меҳмонхонасида яшаб турибман.

Сумкачани топиб олган кишидан суюнчи эвазига қайтаришни илтимос қиламан.

Тоштемир АБИРОВ.

Мухаррир
Зокир ОТАЕВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029, Тошкент, Лопатин кўчаси, 1.

Ўзбекистон Жумҳурияти «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни
Босмахонаси. 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Телефонлар: муҳаррир—54-37-91,
муҳаррир ўринбосари — 39-77-23,
муҳбирлар бўлими — 59-26-56,
умумий бўлим — 59-21-21.

«ПОСТДА» — («НА ПОСТУ») Орган коллегия МВД
Республики Ўзбекистон
26399 нустада чоп этилди.